ЛУҒАВИЙ БИРЛИКЛАРНИНГ ГРАММАТИКАЛИЗАЦИЯ ДАРАЖАСИ ХУСУСИДА

Ш.М.ИСКАНДАРОВА

Мақолада ўзбек тилшунослигида грамматикализация ҳодисасининг талқини, айрим сўзларнинг тил тараққиёти жараёнида ўзгариши, грамматикализация даражасига доир масалалар таҳлил қилинади.

***Калит сўзлар**: грамматикализация, конверсия, ядро, периферия, тарихий-генеалогик алоқа, иерархик алоқа, градация.*

В статье проанализированы различные трактовки понятия «грамматикализации» в узбекском языкознании, проведен анализ изменения отдельных слов в процессе развития языка, и степень их грамматикализации.

***Ключевые слова:** грамматикализация, конверсия, ядро, периферия, исторически-генеалогические отношения, иерархические отношения, градация.*

ТИЛШУНОСЛИК

This article contains the results of the study of grammaticalization process in the Uzbek linguistics, changes of the structure of several words in the process of the development of the language, as well as the degrees of grammaticalization process are analyzed.

Key words: *grammaticalization, conversion, nuclear, periphery, historical-genealogical, hierarchical relations, gradation.*

Борликдаги нарса ва ҳодисалар доимо ўзгаришда бўлгани каби, тил ҳам даврлар ўтиши билан ўзгариб, ривожланиб боради. Буюк немис тилшуноси В.Гумбольдт тилнинг ана шу хусусиятини ҳисобга олган ҳолда уни *эргон* эмас, балки доимий ички ривожланишда бўлган *энергия* деб ҳисоблайди.

Ҳақиқатан ҳам, тил энергия бўлганлиги сабабли диахронияда, яъни икки давр оралиғида унинг барча сатҳларида муайян ўзгаришлар рўй берганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Жумладан, тил тараққиёти жараёнида айрим сўзлар ўз луғавий маъноларини йўқотиб, грамматик маъно ифодалаш вазифасига ўтади. Мазкур масала узоқ йиллардан буён мутахассислар диққатини жалб этиб келмоқда.

Ўзбек тилшунослигида А.Фитрат, У.Турсунов, А.Ғуломов, А.Ҳожиев, М.Миртожиев, Т.Рустамов, А.Нурмонов, Ж.Элтазаров, Т.Турдибоев, И. Мадраҳимов, А.Пардаев, З.Исақов, З.Бурхонов сингариларнинг тадқиқотларида сўз туркумлари, уларнинг ўзаро алоқаси, сўз туркумлари ўртасидаги муносабатлар, уларнинг функционал-прагматик хусусиятлари борасида айрим фикрлар ўртага ташланган. Жумладан, Ж.Элтазаровнинг тадқиқотида сўз туркумлари парадигмасидаги ядро-периферия муносабатлари, сўз туркумларининг вазифалари, тилдаги тежамлилик тамойилларига эътибор қаратилади. Ишда сўз туркумларининг табиатини ойдинлаштириш, ҳар қайси сўз туркумига доир муайян чегараларни фарқлаш мақсадида сўз туркумларининг тарихий-генеалогик, иерархик алоқаси масаласига асосланган ҳолда, улар доирасида лексик ва грамматик ядро ҳамда периферия қисмлари ажратилади.

Тил тараққиёти жараёнидаги ўзгаришлардан бири грамматик сатҳдаги грамматикализация ҳодисаси саналади. Мазкур ҳодисанинг юз бериши натижасида тилнинг грамматик воситалари ва имкониятлари бойиб боради. Шунга кўра, ҳар бир тилдаги грамматик маъно ифодаловчи воситаларнинг бойиш манбалари сифатида грамматикализация эътироф этилади.

О.С.Ахмановнинг луғатида бу атаманинг уч маънода қўлланиши таъкидланади: 1) конкрет луғавий мазмунни мавҳумлаштириш, умумлаштириш; 2) мустақил сўзларнинг ўз луғавий маъносини йўқотиб, грамматик маъно ифодалашга ўтиши; 3) сўз бирикмасининг сўзнинг аналитик шаклига айланиши [2.114].

Ж.Марузо мазкур атамани мустақил сўзлар луғавий маъносининг грамматик маъно вазифасида қўлланилиши сифатида талқин этади [4.81].

Ҳар икки луғатда ҳам грамматикализация ҳодисаси мустақил сўзнинг ўз луғавий маъносини тўла ёки қисман йўқотиб, грамматик маъно ифодалаш вазифасини бажариши экани таъкидланади.

Бундай ҳодиса фақат маълум бир тил доираси билангина чекланмайди. У дунёдаги барча тилларда у ёки бу даражада учрайдиган универсал ҳодисадир. Жумладан, туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилида ҳам бу ҳодиса мавжуд. Шунинг учун ҳам сўзнинг аналитик шакллари ва ёрдамчи сўзлар юзасидан фикр юритган деярли барча олимлар қайси тил материали асосида тадқиқот олиб боришидан қатъи назар, бу масалага дуч келадилар.

Грамматикализация ҳодисаси феълларнинг аналитик шакллари ва ёрдамчи сўзлар орқали намоён бўлади. А.А.Шахматов грамматикализациялашган сўзларни грамматикализациялашиш даражасига кўра икки гуруҳга бўлади: 1) луғавий маъносини қисман йўқотган сўзлар; 2) луғавий маъносини йўқотиб, тўлиқ грамматик маъно ифодалашга ўтган сўзлар. Бундай сўзлар мустақил сўзлар билан бирга қўлланиб, унинг грамматик маъносини ифодалайди [10.466].

И.И.Мешчанинов эса аналитик шаклларнинг бундай функциясига эътибор қаратиб, уларнинг *морфема* мақомига эгалигини таъкидлайди [5.158].

А.А.Юлдашевнинг туркий тиллардаги феълларнинг аналитик шаклларини монографик асосда тадқиқ этишга қаратилган ишида бу шаклларнинг грамматик маъно ифодалашга хослангани, уларнинг қўшма аффиксларнинг бойиб боришига манба сифатида хизмат қилиши баён қилинади [14.268].

Маълумки, грамматикализация диахрония маҳсули бўлиб, айрим сўзларнинг ўз луғавий маъноларини йўқотиб, грамматик маъно ифодалаш вазифасига ўтиши натижаси саналади. В.Д.Аракин бу хусусда фикр юритиб, дастлабки босқичда морфеманинг луғавий ва грамматик маъносининг

ривожлана бориши; иккинчи босқичда грамматик маъно тараққиёти билан боғлиқ ҳолда, луғавий ва грамматик маънога эга бўлган омонимларнинг шаклланиши; сўнгги босқичда типик грамматик элементга айланиш жараёнини таъкидлайди [1.107-117].

Ж.Элтазаров тилларнинг морфологик системаси тараққиётида муҳим аҳамият касб этган грамматикализация ҳодисасининг муайян тилнинг қўшимчалар системаси шаклланишидаги ўрнини ёритиб беради [12.61-67]. Унинг фикрича, грамматикализация ҳодисаси тилларнинг қўшимчалар системаси шаклланишида муҳим роль ўйновчи ҳодиса бўлиб, у мустақил сўзларнинг тузилиш жиҳатдан қисқариши билан боғлиқ [12.66].

Кўринадики, луғавий маъносини йўқотиш жараёнида сўзлар маълум босқичларни босиб ўтади. Демак, грамматикализация жараёни градуал табиатга эга. Грамматикализациялашиш жараёнини қуйидаги уч даражада акс эттириш мумкин:

1) грамматикализацияга асос бўлган сўзлар;

2) қисман грамматикализациялашган сўзлар (феълнинг аналитик шакллари, кўмакчиларнинг бир қисми);

3) тўлиқ грамматикализациялашган сўзлар (*билан, учун, каби, сари* сингари кўмакчилар, боғловчи ва юкламалар).

Бу градацияда оралиқ ҳолатни эгаллаган ва ўзида мустақил сўзлик ва грамматик шакллилик белгиларини мужассам қилган кўмакчилар ва аналитик шакллар грамматикализация жараёнини очиб беришда алоҳида ўрин тутади.

Бу жиҳатдан кўмакчилар муҳим аҳамиятга эга, чунки улар луғавий маънодан грамматик маънога ривожланиш динамикасини ўзида сақлаб қолган ва бу динамикада оралиқ звенони эгалловчи бир ҳалқа саналади. Кўмакчилар тарихан луғавий маънога эга бўлган мустақил сўзлар бўлиб, ўз луғавий маъноларини даврлар ўтиши билан йўқотиб, бунинг натижасида уларнинг маълум қисми ўзгармас, ҳеч қандай грамматик шаклларни қабул қилмайдиган ҳолга келган. Шунинг учун кўмакчиларнинг табиати ҳақида фикр юритган барча олимлар унинг ўзининг келиб чиқишига асос бўлган сўз билан узвий боғланиб туришини, у билан мотивацияга эгалигини таъкидлайдилар [3.296; 11.189].

Жумладан, А.Н.Кононов кўмакчиларни икки гуруҳга – кўмакчи юкламалар ва кўмакчи отларга бўлар экан, кўмакчи юкламаларнинг ўзини яна икки қисмга ажратади: 1) луғавий маъносидан тамомила узилиб, фақат грамматик маъно ифодалашга ўтган сўзлар (*каби, учун, сари, билан* ва бошқалар); 2) лексик-грамматик омоним сўзлар. Бундай сўзлар мустақил луғавий маънода ҳам, грамматик маънода ҳам қўлланиладиган сўзлар (масалан, *қараб, кейин, бурун, илгари* кабилар).

А.Н.Кононов таъбири билан айтганда, ана шундай лексик-грамматик омоним сўзлар лексика билан грамматикани боғлаб турувчи кўприк сифатида алоҳида илмий қимматга эга.

Дарҳақиқат, лексик-грамматик омоним сўзлар сифатида ажратилаётган кўмакчиларнинг ҳам луғавий, ҳам грамматик нуқтаи назардан вазифа бажаришини эътироф этиш зарур. Бироқ омоним сўзларни турли сатҳ бирликлари, луғавий ва грамматик воситалар асосида белгиланиши ҳақидаги юқоридаги қарашлар (В.Д.Аракин, А.Н.Кононов) бироз мунозарали. Биринчидан, турли сатҳ бирликларига мансублик омонимлар ўртасидаги парадигматик муносабатга монелик қилади. Иккинчидан, омоним сўзларнинг аксарияти диахрон асосда гарчи бир луғавий уяга мансуб бўлса-да, синхрон аспектда уларнинг луғавий маъноси бир-биридан тамомила узилган бўлади, улар ўртасида ички боғлиқлик кузатилмайди. Бизнинг назаримизда, бундай кўмакчилар ўзига хос синкретик табиатга эга бўлгани сабабли, нутқ жараёнида уларнинг турлича вазифалари намоён бўлади. Чунки синкретик тузилишга эга бўлган лингвистик бирликнинг нутқий қуршовда у ёки бу белгиси фаоллашади.

Ўзбек тилидаги кўмакчиларнинг лингвистик хусусиятларига бағишланган махсус тадқиқот олиб борган А.Пардаев кўмакчиларни икки турга – соф ва функционал кўмакчиларга ажратиб, “функционал кўмакчиларнинг соф кўмакчилардан ажралиб турадиган хусусияти уларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилида, бир томондан, ўзининг дастлабки луғавий маъноларини сақлаб келаётгани бўлса, иккинчи томондан, гапнинг шаклланишида маълум грамматик вазифаларни бажариши билан боғлиқ”, деб кўрсатиб ўтади. Бу каби оралиқ ҳолатлар хусусида профессор Ҳ.Неъматов ҳам фикр юритиб, уларга нисбатан “мустақил-ёрдамчи сўзлар” атамасини қўллайди [7.31-36].

А.Пардаевнинг мазкур ишида функционал кўмакчиларнинг семантик-услубий хусусиятлари ҳақида сўз юритилиб: “кўмакчиларнинг функционал кўмакчилар деб аталадиган маълум қисми мустақил ва ёрдамчи сўзлар оралиғидадир, улар ўзлари илгаридан мансуб бўлган туркумларнинг перифериал қисмида жойлашгани учун кўмакчилашгандир”, - деган хулосага келинади [8.19].

Ҳозирги кунда ўзбек тилшунослигида тил бирликларининг онтологик хусусияти билан алоқадор ҳодисаларни система-функция тамойили асосида ўрганишга эътибор кучайди. Ҳақиқатан ҳам, муай-

ян синкретик табиатга эга бўлган, ўзининг у ёки бу функцияси орқали турлича кўринишларда намоён бўладиган лексик-грамматик бирликларнинг аҳамияти жуда катта. Шунга кўра, бу каби мураккаб хусусиятга эга бўлган турлича сўз туркумлари, оралиқ бирликларни монографик асосда тадқиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. Аракин В.Д. О превращении лексических единиц в аффиксальные морфемы // Научные доклады ВШ. Филологические науки. – 1959. – №4. – С.107-117.

2. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: СЭ, 1966.

3. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л., 1960.

4. Марузо Ж. Словарь лингвистических терминов. – М., 1960.

5. Мещанинов И.И. Глагол. – М.-Л., 1949.

6. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Т.: Фан, 1975.

7. Неъматов Х.Г. Включенные в морфологической системе тюркских языков (к постановке вопроса)// Сов. тюркология. – 1976. – №3. – С.32-36.

8. Пардаев А.Б. Ҳозирги ўзбек тилида кўмакчиларнинг функционал-стилистик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2005.

9. Турдибоев Т.Ҳ. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар конверсияси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1996.

10. Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. Изд.2. – М., 1941.

11. Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.-Л., 1962.

12. Элтазаров Ж. Грамматикализация ҳодисаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1992. – № 5-6. – Б.61-67.

13. Элтазаров Ж.Д. Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро алоқаси ва кўчиши: Филол. фанлари доктори ... дисс. автореф. – Т., 2007.

14. Юлдашев А.А. Аналитические формы глагола в тюркских языках. – М., 1965.

Фарғона давлат университети,
2013 йил 23 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)